ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

1997 йил 20 май



Сирдарё ГРЭСи Республикамиздаги йирик нурхоналардан биридир. Бу ерда жамоа аъзолари нурхонанинг чорак асрлик юбилейи шарафига уюшқоқлик билан ишлаб, янги ютуқларни қўлга киритишмоқда.
СУРАТДА: катта машинист Ҳоким Эшбеков ва цех бошлиғи Абдусаттор Бегимкуловлар.
Б. ТЎРАЕВ олган сурат. (ЎзА).

## СИРДАРЁ ГРЭСИ НАВҚИРОН ЁШДА

**Ширин — нурчилар шаҳри. Бу йил шаҳар ҳамда бу ерда жойлашган ва республикада электр энергиясининг кўп қисмини ҳосил қилаётган Сирдарё ГРЭСи 25 ёшга тўлади.**

**Нурхона чорак аср ичида техника билан қайта жиҳозланди, электр энергия ҳосил қилиш тизими, қўшимча ишлаб чиқаришлар такомиллашди. Чунончи, бу йил сувни тузлардан тозалайдиган — чучуклаштирадиган қурилманинг биринчи навбати ишга тушди. У ҳар соатда 250 тонна сувни тозалаб беради. Бу ГРЭСдаги генераторларнинг барча турбиналарини совутиш учун етарлидир.**

**Турбиналарни кимёвий моддалар ўрнига тузлардан тозаланган сув ёрдамида совутишнинг бир қанча афзалликлари бор. Бу усул экологик жиҳатдан ҳам, технологик жиҳатдан ҳам фойдали бўлиб, қиммат турадиган генераторларда қасмоқ, туз чўкмалари ва занг пайдо бўлишининг олдини олади. Натижада уларнинг хизмат муддати узаяди.**

**Ҳозир тозаланган сув ишлаб чиқарадиган қурилманинг яна икки навбатини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шундан сўнг қурилма лойиҳадаги қувватга етади, яъни 750 тонна сувни тозалаб беради. Бу — фақат нурчилар эҳтиёжи учун эмас, аҳоли учун ҳам тозаланган сув ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади, деган гап.**

**(ЎзА).**

## КАБЕЛДАН СОВУТГИЧГАЧА

**«Андижонкабел» акционерлик жамияти жамоаси республикада биринчи бўлиб, халқ хўжалигининг кўп соҳаларида ишлатиладиган юқори частотали кабелларни кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу маҳсулот шу вақтгача тақчил ҳисобланар ва Ўзбекистонга хориждан келтирилар эди.**

**«Андижонкабел» акционерлик жамиятида шу ойнинг охирига қадар Асакада ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Нексия» машиналари ва «Дамас» микроавтобуслари учун автомобил қайишлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қарор қилинди.**

**Акционерлик жамиятида мураккаб рўзғор техникаси — совутгичлар, кир ювиш машиналари ва кондиционерлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам режалаштирилган.**

## 1997 — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

# ҚАЛБИ ОЧИҚ, ДАРВОЗА ОЧИҚ

— Мустафоқул Ҳасановдай инсонлар ҳаёт кўрки, — дейди Қарши тумани ҳокими Раҳмат Жалилов. — Тадбиркор, талабчан, адолат билан иш юритади. Одамларга меҳрибон. Ҳоким у раҳбар бўлган жамоа аъзоларининг меҳнат ютуқлари тўғрисида илиқ сўзларни айтди. Бу гапларда жон бор экан. Мустафоқул Ҳасанов билан учрашганимиздан кейин шундай хулосага келдик. У ишга келган дастлабки кунларни бир умр эсда сақлайди. Бўрдоқичилик корхонасидаги озуқа омборлари бўм-бўш, жониворларнинг қовурғасини санаш мумкин эди. Чорвадорларнинг юрагига қил сиғмасди. Транспорт воситалари ночор аҳволда бўлиб, бир пақир ёнилғини топиш амри-маҳол эди. Хўжалик давлат идораларидан кўпдан-кўп қарздор. Корхона раҳбари молни асраш, боқиб семиртириш машаққатли меҳнат эвазига амалга оширилишини ўз тажрибасида бир неча бор синаб кўрган. Шу боисдан ҳам у жамоа аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда ишга киришди.

Энг аввало илиқ муомаласи билан одамларнинг кўнглини овлади. Одамларнинг ҳурматини жойига қўйиб, бирини ака, бирини ука деди. Кўп вақт ўтмасдан ишлар ўнгланиб кетишига уларни ишонтирди. Эрта-кеч демасдан югуриб елди. Катта-кичик раҳбарларга учраб улардан ҳақиқий аҳволни яширмади, банкдан ёрдам сўради.

Йигирма йил давомида ишлаб орттирган ошна-оғайнилари ҳам бефарқ бўлишмади, янги раҳбардан тез-тез хабар олиб туришди. Қандай ёрдам зарур бўлса ундан аяшмади. Қадрдон дўстлари мол озуқасидан, техникадан ёрдам кўрсатишди. Банкдан олган пулининг тенг ярмини одамларга иш ҳақи учун ажратди. Қолгани мол озуқасига сарфланди.

Кунлар ўтиши билан ишлар юришиб кетди. Моллар семира бошлади. Ва энг катта ютуқ-одамларнинг кайфияти кўтарилди. Уларнинг янги раҳбарга ишончи кучайди, мулкка, меҳнатга муносабатларида ўзгариш сезилди. Бўрдоқига боқилган молларнинг бир қисми гўштга топширилди. Корхона чўнтагига мўмайгина пул келиб тушди.

Молга берсанг соз емиш, сени боқар ёзу қиш, деганлар. Моллар сомон ва янтоқ билан семирмаслигини тўғри тушунган чорвадорлар арпа-буғдой, оралиқ экинлари экишга, беда ва макка, озуқабоп кунгабоқар майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор беришди. Мўл-кўл сенаж ва силос тайёрлаш кун тартибидаги муҳим вазифа қилиб қўйилди ва бунга эришилди.

Корхонанинг ер майдонлари қаричлаб ўлчанди. 845 гектар ер майдони бўлиб, 620 гектарига экин экиларди. Раҳбар ўйлаб қараса, ердан олинадиган ҳосилдан кўнгли тўлмади. Йил давомида бир марта ҳосил олинаркан. Масалан, 200 гектар майдонда буғдой экилган. Гектаридан олинган ҳосил 20 центнер. Бу нима деган гап? Суғориладиган майдондан олинадиган бу ҳосил билан қаерга бориш мумкин? Гектаридан 40—50 центнердан ошириб ҳосил олинадиган деҳқонлар кўп-ку! Улардан қаеримиз кам? Ё бўлмаса, еримиз унумдор эмасми, сув каммми? Йўқ, гап бошқа ёқда. Ердан фойдалана билмаймиз. Экин экиладиган майдонларга нисбатан муносабатни ўзгартириш вақти-соати етди. Раҳбар шундай хулосага келди.

Мавжуд ер майдонлари ижарачиларга тақсимланди, ҳар йили ердан икки марта ҳосил олишга эришилди. Ғалла ҳосилдорлиги 45 центнерга етди. Оралиқ экинлари майдони 60 гектарни ташкил этди. Март ва апрель ойлари давомида моллар кўк масса билан парвариш қилинди. Оралиқ экинлари йиғиштириб олиниши билан ўрнига сорго, судан ўти, макка ва озуқабоп кунгабоқар экилди. Экин ўз вақтида озиқлантирилиб, парваришига алоҳида эътибор берилди. Натижа ёмон бўлмади. Қишлов учун 600 тоннадан кўпроқ силос тайёрланди. Мол озуқаси учун ажратилган омборлар емга тўлди. Гўштга топшириш учун ажратилган сўқимлар 400—450 килограммдан тош босмагунча фермадан чиқарилмади. Ҳар бош қўйнинг ўртача тирик вазни 45—50 килограммга етказилди.

Шундай қилиб корхона иқтисодий юксалиш йўлига кира бошлади. Маҳсулот етиштириш учун сарф-харажат камайиб фойда-фойдага уланди. Чорвадорлар ўзлари меҳнат қилаётган корхонага қайси йўл билан фойда келишини яхши англаб олишди.

— Одам ўзи бажараётган вазифадан қандай фойда кўришини билиб олгандан кейин унинг ишида барака-унум бўлади, — дейди корхона раҳбари. — Бундан жамият ҳам, оиласи ҳам миннатдор. Қозон ҳам, чўмич ҳам мой. Олдинроқ Деҳқонобод туманидан 4000 бош қўй сотиб олдик. Бир бош қўйнинг ўртача нархи 900—1000 сўмни ташкил этган эди. Қўйлар меъёрида семиртирилиб ўртача тирик вазни 45—50 килограммни ташкил этди. Биз қўйларни сотиб олганимизда уларнинг ҳар бири 30—35 килограммдан ошмас эди. Кўриниб турибдики, ҳар бир қўй ўрта ҳисобда 15—20 килограммдан семирса, бир бош қўйдан 1350 сўм фойда кўрилади. Бу рақамни тўрт мингта кўпайтирилса, 5 миллион 450 минг сўмни ташкил этади. Биз мол олиб семиртириб сотмаганимизда бундай катта миқдордаги даромад осмондан тушмасди. Ҳаракатда-баракат, деганлар.

Бултур мол семиртириш ҳисобига 147 тонна гўшт ишлаб чиқарилган эди. Бу йил 160 тонна мўлжал. Ҳозирги кунда чорвадорлар ҳисобида 1570 бош қорамол, 5000 бошга яқин қўй бўлиб, улар юқори зооветеринария қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Сўқимга боқилаётган қора моллар бир кеча-кундузда 600—700 грамм тош босмоқда...

— Энг илғорлардан кимларни айта оласиз?

— Бизда ҳамма аравани баравар тортади. Оғирнинг устидан, енгилнинг остида юрувчиларни учратмаймиз. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир киши ўзи учун югуриб елади. Яхши ишласа роҳатини кўради, жамоасига фойда келтиради. Корхонада фойда кўпайса, давлатимиз иқтисоди бақувват бўлишига ҳиссамиз қўшилади. Бу оддий ҳаётий хулосани чорвадорларимиз миясига жойлаб олишган. Сизга бир мисол айтмоқчиман.

Бегми Очилов деган бригадиримиз бор. Олов йигит. Ўзи билан бирга ишлайдиган Карим Сатторов, Бўри Ражабовлар ҳам серғайрат йигитлар. Бригада ҳисобида 335 бош қорамол сўқимга боқилмоқда. Ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 400 килограммдан ошади. Икки ойдан кейин уларни гўштга топширамиз. Айрим сўқимларнинг тирик вазни бир тоннадан ошади.

Ҳисоб-китоб қилиб кўрилганида шу нарса маълум бўлдики, юқорида номи тилга олинган бригада аъзолари корхонага камида 2 миллион сўм соф фойда келтиради. Кўрилган фойданинг тенг ярми уларга мукофот тариқасида берилади. Бўрдоқибоқарларнинг ўртача бир ойлик даромади уч минг сўмдан ошади. Жамшид Пардаев, Бахтиёр Шукуров, Илҳом Бердиев, Эшмамат Шукуров раҳбар бўлган жамоа чорвадорлари ҳақида ҳам қувониб гапириш мумкин.

— 1997 — инсон манфаатлари йили. Корхонада шу юзасидан қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?

— Аслини олганда-ку, инсон манфаатини ҳимоя қилиш юртимизнинг мустақилликка эришган биринчи кунидан бошланган. Бугунги кунга келиб бу муҳим масалага эътибор янада кучайтирилди. Мен бу нарсани ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг инсонпарварлик сиёсатини изчиллик билан амалга ошираётганлиги деб тушунаман. Одамларнинг қадр-қиммати яхши йўлга қўйилган мамлакатда юксалиш бўлаверади. Бу нарсани Ўзбекистонда яшайдиган ҳар биримиз ҳар куни хис этиб турибмиз. Кўпдан буён кўнгилга тугилиб юрган бир гапим бор. Айрим вилоятларда бўлгани каби Қашқадарё воҳасида ҳам миллион-миллион сўмлаб қарзга ботиб ётган жамоа хўжаликлари, корхоналар бор. Нега шундай бўлаяпти? Ҳамма иллат шундаки, баъзи раҳбарлар ўз вазифаларига ўта эътиборсизлик билан қарашади. Жамоа манфаатидан кўра ўз чўнтакларини ўйлашади. Жамоа аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этиш ҳақида бош қотиришмайди.

Бизда эса бошқача. Фойда ҳисобига жамоа аъзолари қишин-ёзин бепул иссиқ овқат билан таъминланади, кўп болали оилалар, нафақа олувчилар учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилган. Умуман олганда бизда инсон қадрияти биринчи даражали иш деб ҳисобланади. Жамоада ишлаётган ҳар бир раҳбар бу ҳаётий қоидага қатъий амал қилади...

Мустафоқул Ҳасановнинг сўзларини тинглар эканман юртдошимиз, йирик адиб Абдурауф Фитратнинг «Инсон нимага эришса, ҳаракатининг натижасидан топади. Агар интилмаса, ҳеч нарсага эриша олмайди» деб айтган сўзларини эсладим. Салкам бир аср муқаддам айтилган бу сўзлар эндиликда янада жарангдор янграйди, корхона ўз хизматчиларига, эл-юртига қанчалик фойда келтираётган бўлса, натижаси кўриниб турибди.

Суҳбатдошим оила бошлиғи сифатида ҳам кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Оиладаги аҳиллик, бир-бирларига бўлган иззат-икром юксак. Фарзандлари ота-она изидан бориб меҳнатга муҳаббат руҳида тарбия топишди. Катта фарзанди Муртазо иқтисодчи-олим. Рустам билан Дилшод шифокор ва зоотехник сифатида фаолият кўрсатмоқда. Турсуной ўқитувчи. Улар қайси касбда ишлашларидан қатъи назар, яхши хулқ-одоблари билан кўпчилик оғзига тушиб, меҳрибон ота-оналарини шодухуррам этишаяпти.

Тажрибали чорвадор Мустафоқул Ҳасанов билан суҳбатлашсангиз, сўзларидан баҳра оласиз. Юзларидан нур ёғилади. Қадди-қоматини кўрган киши олтмиш тўрт баҳорни қарши олганлигига ишонгиси келмайди.

У ҳамон изланишда, югуриб-елиб чарчамайди. Файз-барака кўпайсин, омборлар донга тўлсин, одамлар бой-бадавлат яшасин, давлатимиз ҳар жиҳатдан гуллаб, яшнасин, деган қутлуғ ният унга битмас-туганмас куч-қудрат бахш этаяпти. Бултур корхона чорвадорлари етиштирган гўшт 412 тоннадан ошган эди. Бу йил 450 тоннага етади.

— Чорвадор маҳсулот сота билиши ҳам керак. Биз мунча мол семирган, оладиган ташкилотлар борми, деб юрмаймиз, Мижозлар корхонага келиб туришибди. Лекин биз молни насияга сотишга йўл қўймаймиз. Насияга гўшт сотиб оғзимиз куйган. Пули бор харидорга корхона эшиклари очиб қўйилган. Мол сўйиш цехлари кеча-кундуз ишлайди. Бу йилдан бошлаб колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги цехлар ишга туширилади. Ана шунда камида 4—5 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, даромадимизга янада барака қўшилади.

**Бозор ЭРҚОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири**

## ҒАЛЛА ЎРИМИГА ҲОЗИРЛИК

**Бу йил Фарғона ғаллакорлари мамлакатимиз ялпи хирмонига 400 минг тонна ғалла уйиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда. Айни кунда 92 минг гектардаги бошоқли дон экинлари баравж ривожланмоқда. Уларга агротехник талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида ишлов берилаётгани, экин пайҳон бўлишининг олди олинаётгани ҳосил мўл бўлишидан дарак бермоқда.**

**Эндиги муҳим вазифа етиштирилажак ҳосилни нес-нобуд қилмай, ўз вақтида саранжомлаб олишга пухта ҳозирлик кўришдан иборат. Шу мақсадда вилоят ҳокими бошчилигида тузилган комиссия аъзолари туманларда бу борада қандай ишлар амалга оширилаётгани билан танишди. Мавжуд машина-ускуналарни мавсумга пухта ҳозирлаш, жойларда кўчма устахоналар ташкил этиш, зарур эҳтиёт қисмлар етказиб беришни йўлга қўйишни жадаллаштириш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгилаб олинди. Далада ишловчилар учун тегишли маданий-маиший шароит яратиб бериш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.**

## ГАВЖУМ ШАҲАРЧА

*Хўжаобод туманидаги ер ости газ омбори қурилаётган Хидиршо қишлоғидаги дастлабки ўн оила йирик саноат иншооти яқинида қад кўтараётган шаҳарчага— янги уйларга кўчиб ўтди. Тез орада яна ўнта уй фойдаланишга топширилади, йил охиригача эса барча қулайликларга эга бўлган камида юзта уй қуриш назарда тутилган.*

*Лойиҳага биноан, газчилар шаҳарчасида 340 тага яқин уй қурилади. Бундан ташқари, ошхоналар, магазинлар, болалар боғчаси, мактаб, шифохона, маданий-маиший бинолар қад кўтаради. Шаҳарчани «Андижонсувқурилиш», «Андижонжамферлойиҳақурилиш» бирлашмаларининг бригадалари ва «Ўзқишлоқэлектрқурилиш» трестининг 1-механизациялашган колоннаси бунёд этмоқда.*

*Ер ости газ омбори Фарғона водийси аҳолисини табиий газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ қурилмоқда. Ишнинг умумий қиймати тахминан 100 миллион АҚШ долларига тенг. Барча ишлар лойиҳа асосида олиб борилмоқда.*

*(ЎзА).*

# ЯШИЛ БОЙЛИК СОҲИБИ

## Асл фуқарога бефарқлик бегона

Урмонлар фақатгина қурилиш материаллари билан инсонларни таъминлаб қолмасдан, балки кислород фабрикаси ҳам ҳасобланади. Табиатда мавжуд заҳарли газларни дарахтлар ўзига ютиб тозалайди, соф ҳаво — кислород ишлаб чиқаради. Яна улар об-ҳавони муътадиллаштиради, Она еримизни кучли шамол, ёмғир, сел ва бошқа офатлардан ҳимоя қилади. Агарда дарахтлар бўлмаганида эди, кучли ёмғиру селлар ерларни ювиб жарликларга айлантирарди. Ернинг ҳосилдор қисми ювилиб кетган бўларди. Хуллас, ўрмонлар жамики ҳайвонот дунёсининг, одамзоднинг бебаҳо бойлиги ва ҳалоскоридир. Урмонлар ҳам ўз навбатида инсон меҳрига зор. Агар улар вақтида парваришланиб, ҳимоя қилинмаса нобуд бўлади. Ана шундай муҳим вазифа эса биринчи навбатда ўрмон муҳандисларининг, қўриқчиларининг зиммасига юкланган. Урмон қўриқчиси кенг маънодаги ўрмон хўжайинидир.

Самарқанд вилоятида ўрмонзорларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Улар асосан вилоятнинг тоғ қисмларида, дарё бўйларида, чўлларида барпо этилмоқда.

Республикамизда хизмат кўрсатган ўрмончилар Мўмин бобо Жўраев, Эшқувват бобо Рўзибоев, Маматқул бобо Жўраевлар вилоят ўрмон хўжалигининг жонкуярлари ҳисобланишади. Айни кунда қарилик гаштини сураётган Абдураим бобо Эшмуродов, Қурбон бобо Рустамов, Зинаида Павловна Агишева ва бошқалар кексалигига қарамасдан, ёшларга ўз тажрибаларини ўргатмоқдалар.

Урмон қўриқчиси Абдуманноп Халилов асли тоғ фарзанди. У 693 гектар ўрмонни қўриқлайди. Уттиз йилдирки, ўрмон оралайди, дарахтларни кўпайтириш учун жон койитади.Уларга шикаст етмаслиги, ҳар хил касалликларга чалинмаслиги учун боҳабар бўлиб туради. Омонқўтонга ҳанузгача табиий газ етиб келмаган. Шу боис бу ернинг аҳолиси қишда уйини ўтин билан иситади. Тандир-ўчоққа ҳам ўтин ишлатади. Шундай бўлгач, кўпчилик ўрмонга кўз тикади. Айниқса, кўмирнинг баҳоси осмонда бўлган кунларда ўтинга талаб янада ортди. Баъзилар дарахтни кесиб ўтин қилсам, дейди. А. Халилов бундайлар йўлига ғов бўлади. Дарахтни кесиш жиноят эканлигини қайта-қайта уқтиради. Агарда пана-пастқамда кимдир дарахт кесганлигини пайқаб қолса, дарров аниқ далиллар билан далолатнома тузиб ҳужжатни судга оширади.

Тоғда яшовчилар мол-ҳолини ҳам ўрмонда боқишга ошиқади. Аммо бу қонун билан тақиқланган. Сергак назоратчи А. Халилов эса бирорта молниг ҳам ўрмон оралашига, дарахтларни пайҳон қилишига йўл қўймайди.

Урмону тоғлар, табиийки, дори-дармонларнинг макони. Аммо уларни ҳам тўғри келган киши юлиб кетавериши тақиқланган. Урмон соҳиби бу соҳадаги тартиббузарларга ҳам йўл бермайди. Доривор ўтларни пайҳон қилинишдан сақлайди. Уларни белгиланган режа бўйича ўрмон ишчилари томонидан терилишига ва давлатга топширишга эришади. Утган йили унинг раҳбарлигида 1,5 тоннадан ортиқ тоғ ёнғоғи, 500 килограммдан ортиқ тоғ райҳони, 500 килограмм далачой, 500 килограмм наъматак тайёрлашга эришилди. Бу ноз-неъматлардан дорихоналаримизда турли дори-дармон тайёрланмоқда.

Урмон қўриқчиси А. Халилов ўз тажрибасини шогирдлари Баҳром Жалолов, Жаҳон Қўчқоров, Баёнқул Хуррамовларга ўргатмоқда.

Урмонларни кенгайтириш, умуман дарахтларни кўпайтириш, экилганларини парваришлаш, асраб-авайлаш билан бу фидойи инсонлар эл-юрт саломатлиги, табиат софлиги, мамлакат ривожига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

**Иноят НЕЪМАТОВ, меҳнат фахрийси.**

# ҲАРОМ ЎЛГАН МОЛЛАРНИНГ УВОЛИ КИМНИНГ БЎЙНИДА?

## Айтса тил, айтмаса дил куяди

Иқтисодий ислоҳот туфайли бошқа соҳалар қатори чорвачиликда ҳам туб ўзгаришлар қилиш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш, янгиликларни кенг жорий этиш имконияти вужудга келди. Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига кўра чорвачилик йўналишидаги деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларга имтиёзлар яратилди, хусусий ферма, ҳиссадорлик жамиятлари мўл-кўлчилик манбаига айланишининг устивор йўналишлари ишлаб чиқилди.

Демак, мулк ўзининг ҳақиқий эгалари қўлига ўтди. Бойликни авайлаб-асраб, туёқ сонини кўпайтириб, моллар наслини яхшилаб маҳсулдорликни ошириб бориш учун қулай имконият яратилди.

Таажжубки, баъзи вилоятларда иш тармоқда олдинга босиш ўрнига орқага кетди. Буни Хоразм вилояти чорвачилиги мисолида кўриш мумкин. Биз районлар, хўжаликлар раҳбару мутахассислари, мулкдорлар билан фикрлашиб, бу муҳим соҳада ташвишли ҳол юзага келишининг туб сабабларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Гап шундаки, мутасаддилар кадрларни бозор шароитида ишлашга кутилганидек тайёрлай олмадилар. Ислоҳотлар моҳияти кишилар онгига чуқур сингдирилмади. Расмиятчилик, ўзибўларчилик давом этди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросига «бажардингми, бажардим» қабилида ёндошилди. Кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари акционерлик жамиятлари фаолиятини ўз ҳолига ташлаб қўйдилар. Шартнома шартлари тўла бажарилмаганлиги кутилмаган муаммоларни юзага келтирди. Мустақил, эмин-эркин иш юритишга ўтган мулкдорларнинг кўпсонли молларни эплашлари дастлаб қийин кечди. Озуқа майдонларининг етишмаслиги, борларидан ҳам унумли фойдаланилмаганлиги, янгича шароитда ишлаш борасида тажриба йўқлиги қимматга тушди. Тармоқда иш вилоят бўйича орқага кетди. Айниқса Урганч, Ҳазорасп, Хонқа каби туманларда чорвачилик ночор аҳволга тушиб қолди.

Мустаҳкам озуқа заҳирасини яратмай туриб мақсадга эришиб бўлмайди. Бу муҳим иш кимлар учундир иккинчи даражали вазифага айланди. «Молларнинг эгалари энди араваларини ўзлари тортишсин», дея томошабинга айланган ёки ғайирлик қилган хўжаликларнинг раҳбару-мутахассислари катта гуноҳ қилдилар. Оқибат натижада молларнинг очликдан тинкаси қуриди, маҳсулдорлик кескин камайиб кетди, режалар ўлдажўлда қолди. Рақамларга эътибор қаратсак, икки йил аввал вилоят жамоа секторидаги фермаларда 87.175 бош қорамол бўлиб, 10.123 тонна гўшт, 59,306 тонна сут етиштирилганди. Юқорида қайд этилган камчиликлар оқибатида шу муддат ичида 5812 бош мол ҳаром ўлди, 29360 таси турли йўллар билан сўйиб юборилди. Энди фикр юритадиган бўлсак, бир мол ўртача 400 килограмм тош босса, 5812 бош молдан қанча гўшт етиштириш мумкин эди. Қолаверса бир киши йилига 50 килодан гўшт истеъмол қилса, шунча ҳаром ўлган мол қанча хонадон, ташкилот, боғча ва мактаблар қозонини неча кун қайнатарди.

Наслчилик ишлари, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ички имкониятлардан фойдаланишда нуноқлик қилинди. Оралиқ ва такрорий экинлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Моллар рацион асосида парваришланмаганлиги туфайли кушхонага топширилган моллар кўпчилигининг ўртача тирик вазни белгиланганидан 100-150 кило камдир. Бу чорва бош сони кескин камайиб кетганлигининг асосий сабабларидан биридир.

Хоразмнинг кўпгина районларида чорвачилик ўгай соҳага айланганлигини кўрсатувчи мана бу мисолга нима дейсиз? 1995 йили ем-хашак етиштириш учун 45.541 гектар ер ажратилган бўлса, 1996 йили бу кўрсаткич 27.731 гектарга тўғри келди, яъни 17.810 гектарга камайди. Тармоқдаги ночорлик қанчадан-қанча зотли молларнинг камайиб кетишига, озуқа цехларининг тўхташига олиб келди. Ҳар юз сигирдан 65 тадан бузоқ олинди, холос.

Узибўларчилик, расмиятчилик, эскича фикрлаш тараққиётга тўғаноқ. Баъзи раҳбарлар, мутахассислар чорвачиликка ҳамон панжа орасидан қараётганликларининг сабаби шуки, улар агар пахта, ғалла етиштириш режаси бажарилмаса ишдан кетишим мумкин, дея фикр қилишади. Шу боис асосий эътибор икки тармоққа қаратилмоқда. Чорвага ғамхўрлик кўпроқ қоғозда. Натижа ҳам шунга яраша. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳар сигирдан кунига 3-4 килодан сут соғиб олинди, холос. 1996 йилнинг 3 ойида жамоа хўжаликларида 11.531 тонна сут етиштирилган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 8.213 тоннани ташкил этди. Демак, бир чоракда маҳсулот 3318 тоннага камайди.

Бир ёқлама, шошма-шошарликда иш кўрилгани боис, хусусийлаштирилган кўплаб фермаларда қорамоллар бош сони камайиб кетди, мавжуд имкониятлар бой берилди. Фермалар номигагина акционерлик жамиятларига айлантирилган, акциялар чиқарилмаган, ишчиларга дивидендлар тарқатилмаган. Энг ачинарлиси, хусусийлаштирилган фермаларнинг аксариятида ишбилармонлик кўзга ташланмайди. Боқимандалик давом этаяпти. Боз устига баъзи қайта ишлаш корхоналари фермер хўжаликлари, акционерлик жамиятларига улар топширган маҳсулот ҳақини вақтида ҳисоб рақамларига ўтказмаётирлар. Бу одамлар кўнглини ишдан совутаяпти. Шу туфайли жойлардаги айрим фермалар қўлдан-қўлга ўтиб, туёқ сони камайиб, охири яна хўжаликлар ихтиёрига қайтарилди...

Қўйчилик ва паррандачилик ҳам ночор аҳволда. Қаранг, вилоятда икки йил ичида қўйлар 2891 бошга, паррандалар эса 77242 тага камайган.

Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида чорвачиликдаги камчиликларни алоҳида кўрсатиб ўтган эди. Муаммоларни ҳал этиш, ишни намунали йўлга қўйишга қаратилган қимматли маслаҳатлар берилганди.

Айниқса, ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган чорвачилик фермалари фаолиятини ташкил этиш борасида йўл қўйилган жиддий хатолари қимматга тушди. Вилоятда фермер хўжаликлари сонининг ўсишига қарамасдан, уларнинг улуши қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмида сезиларсиз бўлмоқда. Ердан унумли фойдаланмаслик, илғор тажрибаларга суянмаслик, лоқайдлик ва меҳнатга муносабатнинг бўшашганлиги, раҳбар кадрларнинг эса жавобгарлик ҳисси камайганлиги иқтисодий ислоҳотлар суст боришининг асосий камчиликларидандир. Тармоқ ходимларига қулай шароитлар яратиш, ташаббус кўрсатаётганларни муносиб рағбатлантириш масалалари ҳам кўнгилдагидек эмас.

Савол туғилади: Хоразм чорвачилигининг издан чиқиши, катта иқтисодий зарар кўрилганлигига ким жавобгар, ҳаром ўлган моллар уволи кимнинг бўйнида. Боқимандалик қачонгача давом этади?

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Қишлоқ ҳаёти»нинг махсус мухбири.**

